

Ҳаж хутбаси бир вақтнинг ўзида ўн тўрт тилга таржима қилинади



13:57 / 15.06.2023 1569

Макканинг Арафот минтақасидаги Намира масжидида ҳар йили ўтказиладиган «Ҳаж хутбаси»ни таржима қилиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ҳақда theislamicinformation.com манбаси хабар берди.

Миллионлаб мусулмонлар ҳар йили Ҳаж хутбасини тинглашади, чунки Ҳаж мусулмонлар учун улуғ ибодат ҳисобланади.

Икки Муқаддас Масжид раислиги йиллар давомида Арафот хутбасини турли тилларга таржима қилиб, мўмин-мусулмонларга тақдим этмоқда.

Бу йил ҳам Ҳаж хутбаси бир вақтнинг ўзида дунёнинг 14 тилига таржима қилиниб, тақдим этиб борилади.

инглизча

французча

малай

урду

форсча

русча

хитойча

бенгал

туркча

ҳауса

испанча

ҳинд

тамил

суаҳили